



Мавзу:

Ёнғин хавфсизлиги қисми
бошлиқларининг, диспечерларнинг ва
хайдовчиларининг бошланғич
таёргарлиги.

Режа:

- 1. Ёнгин хавфсизлиги кисми ёнгин учирувчиларининг бошлангич тайёргарлиги
- 2. Ёнгин хавфсизлиги кисми диспетчерларининг (радиоалокачилар) бошлангич тайёргарлиги
- 3. Ёнгин учириш автомобиллари хайдовчиларининг бошлангич тайёргарлиги
- 4. Бошлангич тайёргарликка якун ясаш тартиби

Ёнгин хавфсизлиги кисми ёнгин учирувчиларининг бошлангич тайёргарлиги

Ёнгин хавфсизлиги кисмларига оддий ходим ва кичик бошликлар таркиби лавозимига кабул килинган хамма шахслар, хизмат вазифаларини мустакил бажаришларига кадар бошлангич тайёргарликдан утишади.

Машигулотлар укув журналида кайд килинади.


Бошлангич тайёргарлик кетма-кет икки боскичда утказилади:

- биринчи боскич – хизмат (иш) жойларида якка тартибда укитиш.
- иккинчи боскич - ИИВ, ИИБ ёнгин хавфсизлиги укув марказларида курс тайёргарлиги.

Агар лавозимга қабул қилинган кундан уқув бўлинмаларида навбатдаги гуруҳни уқитиш бошланишига 9-10 кун ва ундан кам вақт қолган бўлса, курс тайёргарлигига яққа тартибда тайёргарликни утмай туриб юборишга руҳсат этилади.

Яққа тартибдаги тайёргарликни бошқариш ёнгин хавфсизлиги гарнизонлари, қисмлари бошлиқларига ва улар томонидан тайинланган устозларга, курс тайёргарлиги бўйича эса уқув бўлинмалари бошлиқларига юклатилади.

Ёнгин учирувчиларни яққа тартибда тайёргарлиги, лавозимга тайинланган кундан бошлаб курс тайёргарлигига жунатилгунга қадар олиб борилади ва қуйидагиларни назар да тутлади:

- 
- ёнгин хавфсизлиги булинмаларининг иш фаолияти ва ташкилий асослари, хизматни уташ тартиби, лавозим хукуклари ва мажбуриятлари, хизмат йуналиши буйича асосий меъёрий амалиёт хужжатлари, ички тартиб ва кийим кийиш коидалари, химояловчи газникоблар билан танишишни;
 - техника хавфсизлиги коидаларини урганишни;
 - ёнгинларни учиришда ва хизмат уташда асосий вазифаларни бажаришни амалий урганишни.

Якка тартибдаги тайёргарлик ёнгин хавфсизлиги кисмида 10 кун мобайнида 6 соатдан утказилади, шундан сунг харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги хизматига янги кабул килинганлар 10 та, касбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги хизматига янги кабул килинганлар эса 7-8 марта смена навбатчилиги мобайнида тажрибадан утадилар.

Бу даврда янги кабул килинганлар ёнгин учиришга чикмайдилар, хамда химояловчи газникобда ишлашга ургатилмайдилар.

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарлик кисм бошлиги томонидан тасдикланган укув дарс жадвали ва мавзувий режа асосида белгиланади.

Машгулотларни кисм бошлиги ва унинг уринбосарлари, мухандис – инспекторлар таркиби, смена бошликлари хамда тажрибали экипаж бошликлари утказадилар.

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарликни ташиқил қилишда ёнгин хавфсизлиги гарнизон ва қисм бошлиқлари жавобгардирлар ва улар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

- ишга қабул қилинган шахсни шахсий тарқибга таништириши, мураббий бириктирилганлиги хақида буйруқни эълон қилиши;
- ишга қабул қилинган шахсни лавозим вазифалари билан таништириши ва бажарадиган ишларини белгилаб бериши;
- амалдаги буйруқларга асосан тайёргарлик вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши ҳамда укув жараёни шароитлари ва тартибини тушунтириши;
- хизмат жойида якка тартибдаги тайёргарлик мавзувий режасини тасдиқлаши ва мураббийга йуриқнома бериши ҳамда бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориши;
- урганаётган шахсинг ахлоқий ва ишчанлик қобилиятини урганиши.

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарлик тугагандан сунг урганаётган шахслар ёнгин хавфсизлиги бопщармаси, булими (булинмаси) кошида тузилган комиссияга хизматни уташ хамда ёнгин учирш вактида хавфсизлик техникаси коидаларини билишлари буйича синов имтихонини топширадидлар.

Синов имтихонлари натижаси асосида баённома тузилади. Баённома асосида ким бошлиги хизмат жойида якка тартибдаги тайёргарликни якунлаган шахсларга ёнгин учирш вактида мустакил жанговар харакат килишларига рухсат бериш хакида буйрук чикарадидлар (баландликларда ва нафас олишга яроксиз мухлатлардаги ишлардан ташкари).

Ёнгин учирувчилар УзР ИИБ, ИИБ таксимотида асосан белгиланган муддатларда, аммо лавозимга тайинланган ва хизмат жойида тайёргарликни яқунлаган кундан 6 ойдан кўп вақт ўтмасдан ўқув бўлинуларида курс тайёргарлигига юбориладилар.

Ўқув бўлилулигига бир вақтинч ўзида хизмат жойларида яқка тартибдаги ва курс тайёргарлигидан **ў т г а н л и г и** тугрисидаги гувохномага тегишли бўлилари тулдирилган ҳолда юборилади.

Курс тайёргарлигига юбориладиган шахслар машгулотлар бўшлиниши арафасида ўқиш жойларида йил фаслига қараб қийинган ҳолда (ўқув машгулотлари муддати ни ҳисобга олиб) етиб қелишлари шарт. Ёнгин учирувчи лавозимида янги қабул қилинганлар хнмояловчи газниқобларида ишлашга тайёргарликдан ўтадилар.

Уларга газ ва тутундан хнмояловчи варақалари юритилади. Тайёргарликни тугатганларга шахсий варақалари ўз қулларида топширилади.

Курс тайёргарлигини мазмуни ва муддати УзР ИИВ Ёнгин хавфсизлиги бош бопщармаси (ЁХББ) томонидан тасдикланадиган мавзувий режа ва дастурлар билан белгиланади.

Курс тайёргарлигини тамомлаган шахслар хизмат жойларига кайтариб юборилади.

Тайёргарликни тамомлаганлиги тугрисидаги гувоҳдома битирувчининг шахсий хужжатлар йигма жилдига кушиб куйиш учун, уларни юборган ички ишлар идорасига жунатилади.

Ёнгин хавфсизлиги кисмига етиб келгандан сунг ёнгин учирувчи 5 марта смена навбатчилиги давомида бириктирилган мураббий бошчилигида амалий тажрибадан утади.

Амалий тажриба тугагандан сунг кием бошлиги буйруги билан унга навбатчи сменанинг жанговар хисобида мустакил хизмат килишга рухеат берилади.

Ёнгин хавфсизлиги кисми диспетчерлар (радиоалокачилар)нинг бошлангич тайёргарлиги

Ёнгин хавфсизлиги хизматига диспетчер лавозимиغا янги ишга кабул килинган шахслар хамда навбатчи смена таркибидан диспетчерларни вақтинча алмаштириб турувчи ходимлар хизмат жойларида якка тартибда бошлангич тайёргарликдан ўтишлари шарт.

Тайёргарлик 15 кун давомида 6 соатдан кисмда ёки 15-25 кишидан иборат гурух, тузиш имкони булса укув булинмаларида утказилади.

Тайёргарлик вилоят (республика) ёнгин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ)да, кисм диспетчерлик хизмати (КДХ) да, харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги булинмаларига кабул килинганлар учун 10 та, касбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги булинмаларига кабул килинганлар учун 7-8 та навбатчилик давомида амалий тажрибадан утиш билан якунланади.

Тайёргарлик ва амалий тажрибадан утиш мазмуни ИИВ, **ИИБ** ЁХБ томонидан тасдиқланган мавзувий режа, бошлангич тайёргарлик дастури ва ёнгин хавфсизлиги кием бошлиги (укув булинмаси) томонидан тасдиқланган машгулотлар жадвали асосида белгиланади.

ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиқларига жойлардаги шароитдан келиб чиққан холда умумий соатлар сонини кискартирмаган холда дастурга узгартириш ва қушимчалар киритишга рухсат этилади.

Масканларни ёнгиндан муҳофаза қилувчи ёнгин хавфсизлиги отрядлари, қисмлари бошлиқларига диспетчерларни муҳофаза қилинаётган маскандаги ёнгиндан хабар берувчи ва ёнгинни учирувчи автоматик қурилмаларни мукамал урганишлари учун дастурда курсатилган соатларни қупайтиришларига рухсат этилади.

Тайёргарлик муддати тугагандан сунг диспетчерлардан утилган дастур мавзулари ва хавфсизлик техникаси буйича ЁХБ хамда ёнгин учириш штаби ходимлари таркибидаги хайъат аъзолари томонидан имтихон олинади. Бундан ташкари, улар МДХ ва КДХ да мавжуд курилма ва асбоб- ускуналар билан амалий ишлаш буйича хдм синов имтихонлари топширадидлар.

Натижалар синов имтихонлари баёни билан расмийлаштирилади. Ёнгин хавфсизлиги отряд (кисм) бошликлари баёнга асосан диспетчерларни мустакил ишлашига рухсат этиш тугрисида буйрук чикарадидлар.

Бошлангич тайёргарликдан утмаган ёки дастур материалларини узлаштира олмаган шахсларга КДХ да ишлашга рухсат этилмайди.

Бошка ёнгин хавфсизлиги кисми (гарнизони) га утказилган диспетчерлар шу кисмнинг чикиш худудини (мух,офаза килинаётган масканни), чикиш жадвалини х,амда киемдаги ёнгин учириш автомобилларининг асосий тактик-техник

курсаткичларини урганиб, синов имтихонлари топширганларидан кейин мустакил хизматга куйиладилар.

Ёнгин учириш автомобиллари хайдовчиларининг бошлангич тайёргарлиги

Ёнгин хавфсизлиги кисмларига хайдовчилик лавозимига кабул килинган шахслар киемда бор ёнгин учириш автомобилларида ишлашларига рухсат бериш учун тайёргарликдан утишлари лозим.

Тайёргарлик 16 кун давомида 6 соатдан киемда ёки 15-25 кишидан иборат гуруҳ тузиш имкони булса, укув булинмаларида утказилади.

Машгулот утказиш учун катта хайдовчилар ва тажрибали бошликлар таркибидаги шахслар жалб килинади. Укув мавзуларининг мазмуни булим, булинма (укув булинмаси) бошлиги томонидан тасдикланган бошлангич тайёргарлик дастури (4-илова) машгулотлар жадвали билан белгиланади.

ИИВ, ИИБ ЁХБ бошликларига махаллий шароитни ва гарнизонда бор ёнгин учирини техникаларини хисобга олиб, умумий соатларни кискартирмаган холда дастурга згартириш ва кушимчалар киритишга рухсат этилади.

Хайдовчиларни ёнгин учирини автомобилларининг махсус агрегатларида ва ёнгин учирини асбоб-ускуналарида ишлаш махоратини ошириш амалий машк ва машгулотларда утказилади. Бошлангич тайёргарликни тугатгандан сунг хайдовчилар булим, булинма (укув булинма)ларидаги шаходат комиссиясига синов имтихонлари топширадилар.

Шундан сунг улар ИИВ, ИИБ ЁХБ га синов имтихони топшириш учун юборилади. Ёнгин учирини автомобилларида ишлаш хукукини берувчи, ёнгин учирини автомобили хайдовчиси малакасини ошириш буйича имтихонлар ИИВ, ИИБ ЁХБларда тузилган комиссиялар томонидан кабул килинади.

Имтихонлар хайдовчи ишлайдиган ёнгин хавфсизлиги кисмидаги ёнгин учирш автомобилларининг русумларига мувофик равишда кабул килинади.

Малака бериш комиссияси баёни асосида бошлангич тайёргарлик буйича имтихонларни муваффакиятли топширган шахсларга ИИВ, ИИБ ЁХБ буйруги билан ёнгин учирш автомобили хайдовчиси малакаси берилади ва уларга ёнгин учирш автомобилларини бошкариш хукукини берувчи гувохнома топширилади.

Хайдовчига навбатчи сменада ёнгин учирш автомобилида мустакил ишлашга отряд ёки кием бошлигининг буйруги асосида киемнинг чикиш худудини, унинг сув таъминотини зргангандан сунг, сменада 10 та навбатчилик давомида шогирд- хайдовчи сифатида синалгандан ва унга ёнгин учирш автомобили бириктирилгандан сунг рухеат этил ад и.

Бошлангич тайёргарликдан **у т м а г а н** ёки синов имтихонларини топшира олмаган хайдовчиларга ёнгин учирш автомобилларида ишлашга рухсат этилмайди.


Бошлангич тайёргарликка яқун яшаш тартиби

Хизмат жойларида яқка тартибдаги тайёргарлик тугагандан сунг урганаётган шахслар ёнгин хавфсизлиги бошкармаси, булими (булинмаси) кошида тузилган комиссияга хизматни уташ хамда ёнгин учирини вақтида техника хавфсизлиги коидаларини билишлари буйича ургатилган материаллар хажмида синов имтихонини топирадилар. Синов имтихонлари натижаси асосида баённома тузилади (ИИВнинг №82 сонли буйруги 8-илова).

Баённома асосида кисм бошлиги хизмат жойида яқка тартибдаги тайёргарликни яқунлаган шахсларга ёнгин учирини вақтида мустикал жанговар харакат килишларига рухеат бериш хакида буйрук чиқарадилар (баландликларда ва нафас олишга яроксиз мухитлардаги ишлардан тапщари).

Укув булинмасига бир вақтнинг узида хизмат жойларида яқка тартибдаги ва курс тайёргарлигидан утганлиги тугрисидаги гувохнома (ИИВнинг №82 сонли буйруги 9-илова) га тегишли боблари тулдирилган холда юборилади.

Курс тайёргарлигини тамомлаган шахслар хизмат жойларига кайтариб юборилади. Тайёргарликни тамомлаганлиги тугрисидаги гувохнома битирувчининг шахей хужжатлар йигма жилдига куншб куйиш учун, уларни юборган ички ишлар идорасига жунатилади



Укув булинмасига бир вақтнинг узида хизмат жойларида якка тартибдаги ва курс тайёргарлигидан утганлиги тугрисидаги гувоҳнома (ИИВнинг №82 сонли буйруги 9-илова) га тегишли боблари тулдирилган холда юборилади.

Курс тайёргарлигини тамомлаган шахслар хизмат жойларига кайтариб юборилади.

Тайёргарликни тамомлаганлиги тугрисидаги гувоҳнома битирувчининг шахсий хужжатлар йигма жилдига кушиб куйиш учун, уларни юборган ички ишлар идорасига жунатилади